

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

КАМАЛОВА МЕХРИНИСО ҚИЛИЧЕВНА

**БОЛАЛАРДА СУРУНКАЛИ ҚАЙТАЛАНУВЧИ ГЕРПЕТИК
СТОМАТИТНИ МАГНИТ-ИНФРАҚИЗИЛ-ЛАЗЕР НУРЛАНИШ
ОРҚАЛИ МАЖМУАВИЙ ДАВОЛАШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Камалова Мехринисо Қиличевна

Болаларда сурункали қайталанувчи герпетик
стоматитни магнит-инфрақизил-лазер нурланиш
орқали мажмуавий даволаш хусусиятлари..... 3

Камалова Мехринисо Қиличевна

Особенности комплексного лечения хронического
рецидивирующего герпетического стоматита у детей
посредством магнитно-инфракрасно-лазерного излучения..... 21

Kamalova Mekhriniso Kilichevna

Features of complex treatment of chronic recurrent
herpetic stomatitis in children by means of magnetic-
infrared-laser radiation 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published scientific works 43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

КАМАЛОВА МЕХРИНИСО ҚИЛИЧЕВНА

**БОЛАЛАРДА СУРУНКАЛИ ҚАЙТАЛАНУВЧИ ГЕРПЕТИК
СТОМАТИТНИ МАГНИТ-ИНФРАҚИЗИЛ-ЛАЗЕР НУРЛАНИШ
ОРҚАЛИ МАЖМУАВИЙ ДАВОЛАШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.4.PhD/Tib434 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг www.tsdі.uz ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталининг www.ziynet.uz манзилларида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Камилов Хайдар Позилович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Маслак Елена Ефимовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Россия Федерацияси)

Гулямов Суръат Саидвалиевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**А.И.Евдокимов номидаги Москва давлат
стоматология университети
(Россия Федерацияси)**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат стоматология институти ҳузуридаги DSc.28.12.2017.Tib.59.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри Яшнабод тумани Махтумқули кўчаси, 103-уй. Тел/факс:(+99871) 230-20-65, 230-47-99, e-mail: tsdi2016@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат стоматология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: Тошкент шаҳри, Яшнабод тумани, Махтумқули кўчаси, 103 Тел/факс:(+99871) 230-20-65, 230-47-99.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Ж.А. Ризаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори

Л.Э. Хасанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Х.И. Ирсадиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Маҳаллий ва хорижий адабиётлар таҳлили кўрсатишича, ўткир герпетик стоматит (ЎГС) билан касалланган бола организмда оддий герпес вируси бир умрга қолади. «...ЎГС ўтказган ҳар 7-8 бола сурункали қайталанувчи герпетик стоматитдан азият чекади. Сурункали қайталанувчи герпетик стоматит (СҚГС) йил давомида даврий равишда қайталаниш асорати билан кечади...»¹. Герпетик стоматит (ГИ) 6 ойдан 5 ёшгача бўлган болаларнинг 60% аниқланиб, ўсмирларда 90%гача етади ва ҳар йили ушбу кўрсаткичларнинг ўсиб бориши кузатилмоқда. Вирусли касалликлар ичида герпетик шикастланишдан келиб чиққан ўлим ҳолатлари 15,8% ташкил этади, тарқалганлиги жиҳатидан герпес гриппдан сўнг иккинчи ўринни (35,8%) эгаллайди. «...дунё бўйича 20 миллиондан ортиқ одамлар симптомсиз шаклдаги вирус ташувчиси бўлиб ҳисобланади, уларнинг деярли ярми оддий герпес вируси (ОГВ) билан зарарланган. Сўнгги 10 йилда ОГВ-1 ва ОГВ-2 туридаги вирус ташувчиларнинг сони 30%га, Европа давлатларида - 7-16%га, Африка мамлакатларида - 30-40%га ошди...»².

Жаҳон миқёсида болалар орасида герпетик касалликларнинг кенг тарқалганлиги сабабли ташхислаш ва даволашнинг самарали усулларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада болалар оғиз бўшлиғидаги дисбиотик бузилишлар, маҳаллий иммун тизим фаолияти, клиник ҳолат, патологик жараёни мажмуавий ўрганиш асосида СҚГСни даволаш жараёнини муқобиллаштириш ва эрта ташхислаш йулларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу ўз навбатида ГСни аниқ ва специфик ташхислаш учун молекуляр генетик текширувининг аспектларидан фойдаланиш имконини беради, физиотерапевтик схема орқли мажмуавий даволаш усулларини ишлаб чиқиш ва бемор болалар ҳаёт тарзини яхшилашга йўналтирилган тадбирларни такомиллаштириш, ҳозирги кунда, мазкур муаммога қаратилган илмий-тадқиқотларнинг устувор йўналиши бўлиб келмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, оғиз бўшлиғи касалликларини камайтириш борасида қатор вазифалар юклатилган. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...хасталанган беморларга ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, болалар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, бирламчи тиббий ёрдам муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасини такомиллаштириш...»³ муҳим вазифалар

¹ Детская терапевтическая стоматология. Национальное руководство // под ред. В.К. Леонтьева, Л.П. Кисельниковой. - М.: ГЭОТАР-Медиа, 2010. - 896 С.

² ЖССТнинг 2015 йилги ҳисоботининг натижалари.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда болалар орасида сурункали қайталанувчи герпетик стоматитни даволашни юқори босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали оғиз бўшлиғи касалликларини камайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5590-сон Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3071-сонли Қарори, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Оддий герпес вируси (ОГВ) кенг тарқалган инфекция ҳисобланади ва дунё бўйича юқори касалланиш сабабларидан бири саналади. Ҳозирги кунда оддий герпес вирусли инфекция билан зарарланган беморлар сони доимий равишда ортиб бормоқда. Герпес вирусли инфекцияни кечиши, патогенези ва даволашнинг қатор масалалари ҳанузгача ўз ечимини топгани йўқ (Иброхимов АА, Гулямов С.С., Махкамова Ф.Т., 2016; Пыркина О.В, Егорова Е.С, Лосев А.В. 2017). ЖССТ маълумотларига кўра, жаҳонда вирусли инфекциялар орасида гриппдан кейин, ОГВ чақирган касалликлар туради, уларни назорат қилиш қийин (Ешиев А.М., Азимбаев Н.М., 2015). Аллергик патологияли ва тез-тез шамоллаш касалликлари билан оғриган болалар кўпинча герпетик стоматит билан касалланади. Қайталанишлар сони йилига касаллик оғирлик даражасига боғлиқ ҳолда ишонарли равишда ортиб боради (Еленская Ю.Р., 2012). Замонавий ташхислаш ва аниқ даволаш муолажаларининг ўз вақтида кўрсатилмаслиги герпетик стоматитни давомий ва оғир кечишига олиб келади. Асоратларнинг ривожланиши организмда сурункали вирусли патология ва интоксикацияни келтириб чиқариши мумкин (Мезгильбаева Д.М., Бакбаев Б.Б., Абдиқаримов С.Ж., 2014). Қўлланилувчи медикаментоз воситалар ва даволаш усуллари аввалгидек, бироқ болаларда ГВИни такрорланиш даражаси ортиб бормоқда. Ҳозирги кунда вирус латенциясини бартараф қилиш учун қўлланилувчи юқори самарали вирусга қарши воситалар профилактик ва рецидивларга қарши таъсирга эга эмас. Тизимли ва маҳаллий фармакотерапийадан иборат мажмуавий даволаш, ҳамда физиотерапевтик муолажалар мақсадга эришишга имкон беради (Кузнецов

С.В., Кирсанова Т.А, Ольховская О.Н., 2015). Кўп сонли олимлар тадқиқотлари исботлашича, лазерли нурланиш шикастланиш ўчоғи соҳасида нейтрофиллар миқдорини ошириш ва капиллярлар ўсишини тезлаштириш, коллаген синтезини кучайтириш орқали жароҳат майдонида хужайра таркибини ўзгартириш йўли билан битиш жараёнларини фаоллаштиради. Лазер нуралнишни қўллашда ОБШҚдаги оғриқ ва ГВИ интоксикация белгилари эрта йўқолиши, микроциркуляцияни яхшиланиши, тўқималар регенерациясини тезлашиши, рецидивлар оғирлиги ва частотасини камайиши кузатилади (Фазылова Ю.В., Мусин И.Т., 2016; Камилов Х.П., 2017).

Болаларда оғиз бўшлиғини герпетик шикастланишларини ташхислаш, олдини олиш ва даволаш усулларини ўрганишга қаратилган кўп сонли изланишларга қарамасдан, ушбу патологиянинг учраш мойиллиги ортиши кузатилмоқда, шу сабабли аниқланган патогенетик механизмлар асосида СҚГСни мажмуавий даволаш схемасини ишлаб чиқиш долзарб бўлиб қолмоқда. Илмий тадқиқотлар натижалари ва илмий адабиётлар маълумотларини таҳлили асосида шундай фикрга келиш мумкинки, Республикада ушбу муаммо бўйича кенг қўламли илмий изланишлар олиб бориш зурурияти келиб чиқди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат стоматология институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 011400199-сонли «Оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати, пародонт ва тишлар патологиясини янги ташхислаш, даволаш ва олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш» мавзуси доирасида бажарилган (2014-2019 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади оддий герпес вирусини полимераза занжир реакцияси усулида ташхислаш асосида болаларда сурункали қайталанувчи герпетик стоматитни магнит-инфракизил-лазер нурланиш орқали мажмуавий даволаш схемасини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

болаларда сурункали қайталанувчи герпетик стоматит кечишининг клиник хусусиятларини баҳолаш;

оддий герпес вируси мавжудлигини тасдиқлаш учун полимераза-занжирли реакция усули ёрдамида молекуляр-генетик текширувларни баҳолаш;

оғиз бўшлиғи микрофлораси таркиби ва маҳаллий иммун тизим кўрсаткичларини аниқлаш учун микробиологик ва иммунологик текширувларни баҳолаш;

болаларда СҚГС турли клиник шаклларини ультрабинафша нурланиш билан солиштириш таҳлили асосида МИЛ-нурланиш орқали мажмуавий даволаш самарадорлигини баҳолаш;

олинган натижалар асосида болаларда СҚГС мажмуавий даволаш, ташхислаш ва башоратлаш алгоритминини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро вилоят болалар стоматология поликлиникасига мурожаат қилган 1 ёшдан 7 ёшгача бўлган сурункали

қайталанувчи герпетик стоматит билан касалланган 189 нафар ва 20 нафар амалий соғлом болалар олинди.

Тадқиқотнинг предметини микробиологик ва иммунологик текширувлар учун оғиз суюқлиги, молекуляр-генетик текширувлар учун шикастланиш юзасидан олинган намуна, қон ташкил қилди.

Тадқиқот усуллари. Диссертация тадқиқотини амалга оширишда умумклиник усуллар, реал вақтдаги полимераза-занжирли реакцияси, иммунологик, микробиологик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

герпес вируси ДНК молекуласи миқдорини ўлчаш ва реал вақтдаги полимераза-занжир реакцияси ёрдамида молекуляр-генетик текширувлар кетма-кетлигини бирга олиб борилиши герпетик стоматит этиологиясини ўрганишда юқори самарадорлиги исботланган;

сурункали қайталанувчи герпетик стоматитни мажмуавий даволашда магнит-инфрақизил-лазер нурларининг таъсири оғиз бўшлиғи маҳаллий иммун тизимининг лизоцим, фагоцитоз ва секретор иммуноглобулин А кўрсаткичларини фаолашувига олиб келиши ва бунинг оқибатида яллиғланиш жараёнлари бартараф этилиши исботланган;

магнит-инфрақизил-лазер нурланиш анаэроб микроблар сонини меъёрлаштириб, факультатив флора миқдорини камайтириши натижасида оғиз бўшлиғи дисбиотик бузилишларини бартараф этишдаги ижобий хусусияти аниқланган;

герпетик стоматитни даволаш динамикасида оғиз бўшлиғи гигиеник ҳолатини баҳоловчи гигиеник индекслар РМА, ГИ ва тўқима регенерациясини магнит-инфрақизил-лазер нурланиш орқали фаоллаштирилиши исботланган.

Тадқиқотларнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

полимераза занжирли реакция усули билан оддий герпес вируси ДНК сини аниқлаш учун шикастланиш соҳасидан олинган намунани ўрганиш герпетик стоматитни эрта ва қиёсий ташхислашга олиб келган;

«Соғдиана» ускунасини қўллаш орқали герпетик шикастланишларни даволашда ишлаб чиқилган янгича ёндошиш оғиз бўшлиғи шиллик қавати клиник ҳолатини тикланиш муддатларини қисқартирган;

оғиз бўшлиғи микробиологик ва иммунологик кўрсаткичлари асосида болаларда сурункали қайталанувчи герпетик стоматитни МИЛ-нурланиш воситасида мажмуавий даволаш самарадорлигини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган, улар маҳаллий иммунитет кўрсаткичлари, клиник симптомлар, эпителизация муддатлари, рецидивлар сонини камайиши, ижобий ремиссиялар давомийлигини узайиши билан намоён бўлиши асосланган;

таклиф қилинган мажмуавий даволашнинг янги схемаси бўйича қўлланилган услубий ёндошувлар даволаш самарасини ошириш, касаллик давомийлигини қисқартириш ва рецидивлар сонини камайтириш имконини беради, бу даволашга кетувчи иқтисодий харажатларни камайтириши исботланган.

Герпетик стоматит билан мурожаатларни башоратлаш алгоритми мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш асосида даволаш муассасаси ва тиббиёт ходимлари ишларини режали ташкиллаштириб, даволаш жараёнининг самарадорлигини оширишга қаратилган ташкилий тадбирларни ишлаб чиқиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги болаларда сурункали қайталанувчи герпетик стоматитни мажмуавий даволашнинг самарадорлигини баҳолашда замонавий, бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, молекуляр-генетик, микробиологик, иммунологик ва статистик текширув усулларининг қўлланилганлиги, шунингдек етарли миқдорда беморлар танланганлиги билан тасдиқланган, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлари билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тизим билан тасдиқланганлиги изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сурункали қайталанувчи герпетик стоматитда олиб борилган клиник, молекуляр-генетик, микробиологик ва иммунологик текширув натижалари бўйича ишлаб чиқилган илмий фаразлар билан исботланиб, улар ушбу мавзу бўйича услубий ёндошувларни такомиллаштириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, болаларда тавсия қилинган ташхислаш усуллари ва ишлаб чиқилган мажмуавий даволаш схемаси битиш муддатларини ва касаллик давомийлигини қисқариши, рецидивлар сонини камайиши билан ифодаланади. Бундан ташқари, тадқиқот натижаларини тиббиёт олий ўқув юртлири стоматология йўналиши бўйича талабалар мустақил ишларида, маърузалар ўқишда ва амалий машғулотлар ўтказишда янги манбаа сифатида қўлланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Болаларда сурункали қайталанувчи герпетик стоматитни магнит-инфрақизил-лазер нурланиш орқали мажмуавий даволаш усуллари самарадорлигини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Болаларда сурункали қайталанувчи герпетик стоматитни ташхислашда полимераза занжирли реакциядан фойдаланиш» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 18 октябрдаги 8н-р/213-сонли маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма СҚГС эрта ташхислашга, уларнинг генотип хусусиятларини ва популяцион мослигини эътиборга олган ҳолда альтернатив даво усулларини аниқлашга имкон берган.

«Болаларда сурункали қайталанувчи герпетик стоматитни мажмуавий даволашда магнит-инфрақизил-лазерли «Соғдиана» ускунасини қўлланилиши» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 18 октябрдаги 8н-д/213-сонли маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма магнит-инфрақизил-лазерли ускуна ёрдамида

болаларда сурункали қайталанувчи герпетик стоматитни мажмуавий даволаш самарадорлигини баҳолаш тизимини яратиш имконини берган.

Болаларда сурункали қайталанувчи герпетик стоматитни магнит-инфрақизил-лазер нурланиш орқали мажмуавий даволашнинг самарадорлигини баҳолашга қаратилган илмий-тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Бухоро вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази, Ғиждивон тумани кўп тармоқли тиббиёт поликлиникаси, Когон ва Жондор туманлари тиббиёт бирлашмалари клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 29 январдаги 8н-д/10-сонли маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг клиник амалиётга жорий қилиниши болаларда сурункали қайталанувчи герпетик стоматитни даволаш муддатини ва қайталанишлар сонини қисқартириш, ташхислаш сифатини яхшилаш имконини яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 3 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 25 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 113 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва ўтказилган тадқиқотларнинг зарурияти асосланган, мақсад ва вазифаларга, тадқиқот объекти ва предметига тавсиф берилган, олиб борилган тадқиқотларни Республикадаги фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этилиши, натижаларнинг нашр этилганлиги ва диссертация тузилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Болаларда қайталанувчи герпетик стоматитни тарқалганлиги ва иммунопатогенези**» биринчи бобида болаларда қайталанувчи герпетик стоматитни мажмуавий даволаш хусусиятлари, таққосий ташхиси, киникаси, иммунопатогенези тўғрисидаги замонавий маҳаллий ва хорижий адабиётлар таҳлили келтирилган. Эрта ташхислаш, профилактика усулларининг устунликлари, ҳамда ҳал этилган ва ҳал қилинадиган камчиликлар ва муаммонинг аспекти белгилаб берилган.

Диссертациянинг «**Сурункали қайталанувчи герпетик стоматит билан касалланган болаларда клиник материал ва текширув усулларининг умумий тавсифи**» иккинчи бобида Бухоро вилоят болалар

стоматология поликлиникасига мурожаат қилган 1 ёшдан 7 ёшгача СҚГСнинг турли шакллари билан хасталанган 189 нафар бемор, шундан 91 нафари ўғил болалар ва 98 нафари қиз болалар, маълумотларни таққослаш учун 20 нафар амалий соғлом болалар текширилган.

Клиник тавсифларга (Максимовский Ю.М., Максимовская Л.Н., Орехова Л.Ю., 2002) ва МКБ-10 (1997) мос ҳолда диагностик чоралар тизимидан сўнг барча бемор болаларга «оддий герпес вируси чақирган герпетик стоматит» ташхиси қўйилган [herpes simplex virus I (HSV1)] (B00.2X, K12.02)». Болаларда СҚГС даволаш учун молекуляр-генетик, иммунологик, микробиологик текширувлар, қон кўрсаткичлари ва клиник таҳлил ўтказилди.

Индекслар тизими қўлланилди, гингивит оғирлик даражасини баҳолашда милк яллиғланишини баҳолаш индекси бўйича амалга оширилди: Parma (1960) модификацияси бўйича РМА. Болаларда оғиз бўшлиғи гигиеник ҳолатини баҳолаш учун Федоров Ю.А. ва Володкина В.А. (1971) гигиеник индекси қўлланилди.

ОГВ-1 ДНК молекуласи миқдорини ўлчаш ва амплификация бўйича полимераза-занжирли реакция усули ёрдамида молекуляр-генетик текширувлар ўтказилди. Ушбу ёндошувни устунлиги шундаки, ҳар бир амплификация циклидан сўнг реал вақтда детекция ва оддий герпес вируси ДНК специфик кетма-кетлигини миқдорий аниқлашнинг бирга олиб борилишидир.

Умумий қон таҳлили учун беморларни муржат қилган кунда бармоғидан қон олинди, бунинг учун бир марталик стерил тўплам қўлланилди. Қуйидаги кўрсаткичлар баҳоланди: Нв (гемоглобин), лейкоцитлар, эритроцитлар, ранг кўрсаткичи, эритроцитларнинг чўкиш тезлиги (ЭЧТ).

СҚГС билан оғриган болаларда микробиологик ва иммунологик текширувлар ўтказилди. Бунинг учун оғиз бўшлиғини чайиш йўли билан оғиз суюқлиги олинди. Олинган материалдан лабораторияда серияли суюлтиришлар (10^2 - 10^5) тайёрланди, сўнг улардан юқори селектив озиқ муҳитларга миқдорий спектрал экмалар амалга оширилди (фирма Hei Media, Хиндистон). СҚГС мавжуд болаларда оғиз бўшлиғи маҳаллий ҳимоя омилларини – нейтрофилларнинг фагоцитар фаоллиги, лизоцим миқдори ва секретор иммуноглобулин А (sIgA) титри аниқланди.

СҚГС ни мажмуавий даволаш самарадорлигини қиёсий баҳолаш учун 1-7 ёшгача бўлган болалар жинси, ёши ва СҚГС шакли бўйича 2 гуруҳ шакллантирилди. СҚГС билан касалланган барча болалар анъанавий даво (умумий: ацикловир - 200 мг, 1 тб 3 маҳал 5 кун давомида; маҳаллий: 0,05% хлоргексидин билан чайиш; 0,25% оксолин мази билан 4 маҳал аппликация 7-10 кун), физиотерапевтик муолажалар эса турли ускуналарда ўтказилди. 1 гуруҳга (таққослаш) 85 нафар болалар, БОП-4 ускунаси билан қисқа тўлқинли ультрабинафша нурли (ҚУБ) физиодаволаш сеанси киритилган мажмуавий даволаш олди; 2 – асосий гуруҳни 104 нафар болалар ташкил этди, уларга мажмуавий даволаш ва «Соғдиана» ускунаси орқали магнит-инфрақизил-лазер нурланишли физиодаволаш ўтказилди.

Оилинган натижаларни статистик ишлов беришда фарқлар ўртасидаги ишончлилик даражаси Стьюдент t-мезони бўйича баҳоланди.

Диссертациянинг «Даволашгача бўлган муддатдаги шахсий текширув натижалари» учинчи бобида СҚГС шакллари, уларни намоён бўлишининг клиник хусусиятлари, ҳамда ўтказилган тадқиқотлар натижалари келтирилган.

189 нафар болаларни текширувларидан кейин аниқланди: СҚГС енгил шакли 57 (30,2%), ўрта оғирликдаги – 93 (49,2%) ва оғир шакли – 39 (20,6%) нафар болаларда аниқланди. Асосий гуруҳда оғирлик даражаси бўйича – енгил - 32 (30,8%); 51 (49%) – ўрта оғир ва 21 (20,2%) болалар оғир даражада. Таққослаш гуруҳини 85 нафар болалар ташкил қилиб, шундан мос ҳолда 25 (29,4%), 42 (49,4%) ва 18 (21,2%) енгил, ўрта оғир ва оғир даражадаги СҚГС ташкил қилди. Тадқиқотларга кўра, СҚГС ўрта оғир шакли кўпроқ учради.

Ҳар икки гуруҳда дастлабки мурожатда деярли барча овқатланиш вақтида оғиз бўшлиғидаги оғриққа шикоят қилдилар (100%). Ота-оналар кузатувиға караганда мос ҳолда 86,5% ва 81,2% инжиқлик; иштаҳанинг пасайиши 82,7% ва 83,5% учради. Оғиз бўшлиғи шиллик қавати қонаши 31 (29,8%) ва 21 (24,7%) болаларда; зарали одатлар (лунж, тил ва лабни тишлаш ва ҳ.о.) мос ҳолда асосий ва таққослаш гуруҳида 22 (21,2%) ва 24 (28,3%) болаларда қайд қилинди; ҳолсизликка шикоят 13 (12,5%) ва 11 (12,9%) болада кузатилди.

1-жадвал

Сурункали қайталанувчи герпетик стоматит билан касалланган болаларнинг жинси ва ёши бўйича тақсимланиши (n=189)

Клиник шакли	Болалар сони		Ўғил болалар	Қиз болалар	Ёш			
	абс	%			1-3	4	5	6-7
Енгил	57	30,2	32	25	25	14	12	6
Ўртаоғир	93	49,2	37	56	17	36	27	13
Оғир	39	20,6	22	17	5	11	14	9
Жами	189	100	91	98	47	61	53	28
			48,1%	51,9%	24,9%	32,3%	28,0%	14,8%

1-жадвалдан кўришиб турибдики, СҚГС касаллиги билан барча гуруҳдаги 1 ёшдан 7 ёшгача бўлган, деярли тенг равишда қиз ва ўғил болалар хасталанади. Умуман олганда бизнинг маълумотлар бошқа муаллифлар натижаларига мос келиб, бунда СҚГС кўпроқ 4-5 ёшли болаларда аниқланади ва бизнинг натижаларимиз бўйича 32,3% ва 28%ни ташкил қилди (189 нафар текширилганлар сонига нисбатан).

Беморларда оғиз бўшлиғи шиллик қаватини даволашгача бўлган муддатда текширилганда, асосий гуруҳ текширилувчиларининг 90 нафарида (86,5%) ОБШҚ қизарган ва 100 (96%) шишган бўлса, таққослаш гуруҳида эса гиперемия 74 (87,1%) ва шиш 81 (95,3 %) болаларда кузатилди. Таъкидлаш

лозимки, мос ҳолда 14 (13,5%) ва 11 (12,9%) болаларда шиллик қават гиперемияланган бўлиб, бу ҳолат СҚГС бошқа соматик касалликлар билан ёндош кечишидаги оғир шаклига хосдир.

2-жадвал

Сурункали қайталанувчи герпетик стоматитда оғиз бўшлиғи шиллик қаватида эрозияларнинг локализацияси (%)

Гуруҳ	Гуруҳдаги болалар сони	Оғиз бўшлиғи шиллик қаватида эрозиялар локализацияси						
		лунж	милк	лаб	Юмшоқ танглай	Қаттиқ танглай	Альвеоляр ўсиқ	тил
Асосий	104	40	11	27	9	9	20	87
Таққослаш	85	27	10	25	5	12	22	70
Жами	189	67	21	52	14	21	42	157

2-жадвалдан кўриниб турибдики, эрозиялар кўпинча тил шиллик қаватида (атрофи, учи ва ёни) – 157 ҳолатда, яъни 83,1%, ва лаб шиллик қаватида (189 нафардан 52, 27,5%), лунж шиллик қаватида (189 нафардан 67 ҳолат –35,4%), милк шиллик қаватида (21 ҳолат - 11,11%), юмшоқ танглайда (14–7,4%), қаттиқ танглайда (21 – 11,1%), альвеоляр ўсиқда (42 - 22,2%) жойлашди.

Биринчи мурожаатда оғиз бўшлиғи кўрикдан ўтказилганда аксарият болаларнинг 134 нафарида якка эрозиялар кузатилди, асосий гуруҳда 72 (69,2%) ва солиштириш гуруҳида 62 (72,9%) ҳолат қайд қилинди. Бир бирига қўшилган эрозиялар мос ҳолда 29 (27,9%) ва 22 (25,9%) асосий ва таққослаш гуруҳ болаларида аниқланди. Якка жойлашган пуфакчалар асосий гуруҳда 1 (1,0%), қўшилган пуфакчалар 2 (1,9%) ва 1 (1,2%) мос ҳолда асосий ва таққослаш гуруҳ болаларида аниқланди.

Қоннинг гемоглобин, эритроцит, ранг кўрсаткичлари хар икки гуруҳ болаларида даволашдан сўнг ишонарли тарзда ортиб борди. Лейкоцитлар кўрсаткичларида эса аҳамиятли ўзгаришлар қайд қилинди, уларнинг сони ҳам нормагача камайди. Болаларда ЭЧТ асосий ва таққослаш гуруҳларига мос ҳолда статистик ишонарли тарзда 3,56 ва 3,75 мартага камайди.

РМА – индекси кўрсаткичлари асосида СҚГС ли болаларда гингивит оғирлик даражаси белгиланди. Асосий гуруҳда даволашгача энгил даража 10,6%, ўртача кечиши аксарият болаларда ва 55,8% ташкил этди, оғир даража – 33,7 касал болаларда аниқланди. Таққослаш гуруҳида энгил даража 8,2%, гингивитнинг ўрта даражаси 57,6% болаларда ва оғир шакли – 34,1% қайд қилинди.

Асосий гуруҳ текширилувчиларида тиш карашни кўрсаткичи қиймати даволашгача ОГИ-Д «яхши даражаси» 4,8%, «қониқарли даража» – аксарият болаларда ва 55,8% ташкил этди, «ёмон даража» 39,4% бемор болаларда ташхисланди, таққослаш гуруҳида «яхши даража» 3,5%, тиш карашининг «қониқарли даражаси» 55,3% ва «ёмон» – у 41,2% болаларда кузатилди.

Реал вақтдаги ПЗР усули билан ОГВ-1 вируси ДНК молекуласини аниқлаш бўйича ўтказилган молекуляр-генетик тадқиқотлар 189 тадан бемордан 166 (87,8%) тасида мусбат натижа кўрсатди, 12,2% (23) ҳолатда эса натижа салбий бўлди.

Микробиологик текширув СҚГС билан касалланган болаларда дисбиотик ўзгаришлар кузатилиб, натижада анаэроб микроблар сони $lg3,0 \pm 0,2$ КОЕ/мл ташкил этди ва факультатив гуруҳ микроблар миқдори эса $lg7,35 \pm 0,5$ КОЕ/мл тенглашганини кўрсатди. СҚГС билан касалланган беморларда касаллик клиник, яъни енгил, ўртаоғир ва оғир шакллариغا мос ҳолда, оғиз бўшлиғи микрофлораси ҳолати таҳлили шуни кўрсатдики, касаллик даражаси қанчалик оғир бўлса, дисбиотик ўзгаришлар ҳам шунча чуқур бўлади. СҚГС билан касалланган беморларда оғиз бўшлиғи маҳаллий иммун тизим миқдор кўрсаткичлари қуйидагиларни ташкил қилди: лизоцим $10,0 \pm 0,3$ мг/%, фагоцитоз $30,03 \pm 0,3\%$ ва секретор иммуноглобулин А $1,10 \pm 0,1$ г/л. Касалликнинг оғир клиник шаклида иммунотанқислик яққолроқ кўзга ташланади ва деярли барча ўрганилган кўрсаткичлар мос ҳолда 1,96; 1,92 ва 1,9 мартага камайди.

Бухоро вилоят болалар стоматология поликлиникасига герпетик стоматит билан мурожаатлар частотасини башоратлаш вазифасини ечиш учун қуёш тизимининг гаравитацион кучалрига асосланган методика қўлланилди. Ушбу моделлар асосида, 1 та назорат қилиш дастури, 1 та ёрдамчи ва 384 та асосий модулдан ташкил топган BODSP-SG дастурий таъминоти ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган дастурий маҳсулот тиббиёт муассасаси учун мавжуд бўлган ресурслардан оқилона фойдаланиш асосида даволашнинг самарадорлигини оширишга қаратилган ташкилий тадбирларни ишлаб чиқишга имкон берувчи мурожаатлар частотасини башоратлайди. Ойлик чекловларни таҳлил қилиш Бухоро вилоят болалар стоматология поликлиникасига герпетик стоматит билан мурожаатлар май ва апрел ойида энг максимал ва январ, август ойларида минимал бўлиши ҳақида хулоса чиқаришга имкон берди.

Диссертациянинг «Сурункали қайталанувчи герпетик стоматит турли шакллари мавжуд беморларни мажмуавий даволаш динамикаси» тўртинчи бобида ўтказилган умумий ва маҳаллий даво, ҳамда ишлаб чиқилган схема бўйича физиотерапияни ўз ичига олган мажмуавий даволаш натижалари баён қилинган. Олинган натижаларни эътиборга олган ҳолда беморларда оғиз бўшлиғи ҳолати ва олиб борилган даволаш самарадорлигининг таққосий хусусияти ўрганилди.

Физиотерапия билан мажмуавий даволашдан сўнг асосий гуруҳда РМА индексининг оғир даражадаги гингивити аниқланмади, таққослаш гуруҳида 3,5% ҳолатда аниқланди. Ўртача оғирликдаги гингивит асосий ва таққослаш гуруҳларига мос ҳолда 58 (26,9%) ва 35 (42,4%) болаларда бўлди. Аксарият болаларда ўтказилган даволашдан сўнг ҳар икки гуруҳда ҳам енгил даражадаги гингивит аниқланди, асосий гуруҳда – 73,1% ҳолатда ва таққослаш гуруҳида – 54,1% ҳолатда кузатилди. СҚГС билан оғирган болаларда даволашдан сўнг оғиз бўшлиғи гигиеник ҳолатини ўрганиш

натижасида оғиз гигиенаси индекси бўйича (ОГИ-Д) асосий гуруҳда «ёмон» даража аниқланмади, таққослаш гуруҳида эса 3,5% ҳолатда кузатилди. Гигиенанинг «қоникарли» даражаси асосий ва таққослаш гуруҳида мос ҳолда 34,6% ва 45,9 беморда қайд қилинди. Асосий гуруҳ беморларнинг кўпчилигида даволашдан кейин «яхши» даража – 64,4% ва таққолаш гуруҳида 50,6% бўлиши аниқланди. Шикоятларни аниқлаш давомида овқатланиш вақтида оғриқ, даволаш курсидан кейин асосий гуруҳда кузатилмади, таққослаш гуруҳида шикоят 3 нафар беморда (3,5%) қайд қилинди.

СҚГС билан касалланган беморларнинг оғиз бўшлиғидан олинган микробиологик текширувлар таҳлили, касалликнинг барча клиник шаклларида дисбиотик бузилишларни бартараф қилишда МИЛ-нурланиш қўллаш билан мажмуавий даволаш самараси юқорилигини кўрсатди. Бунда анаэроб микроблар сон кўрсаткичи ўсиб борди ва $4,80 \pm 0,3$ КОЕ/мл ташкил этди, факультатив флора миқдори эса камайди ва $5,0 \pm 0,4$ КОЕ/мл га тенг бўлди.

Иммунологик текширувларни кўрсатишича, СҚГС билан касалланган беморларда касалликнинг барча клиник шаклларида даволашдан сўнг барча кўрсаткичларнинг ижобий ўзгариши кузатилди. Касалликнинг енгил шакли кечишида барча кўрсаткичлар назорат маълумотларидан юқори бўлсада, секретор иммуноглобулин А назорат кўрсаткичларидан бироз пастлиги қайд этилди. Бироқ болаларда СҚГС ўртаоғир ва оғир шаклларида МИЛ-нурланишли мажмуавий даволашдан кейин барча ўрганилган кўрсаткичлар назорат даражасига яқин бўлди, баъзи натижалар эса статистик ишонарсиз бўлди. СҚГС оғир шаклида лизоцим миқдори $17 \pm 0,5$ мг, фагоцитоз $54,6 \pm 2,0$ %га ошди, секретор иммуноглобулин А эса $1,85 \pm 0,1$ г/л га тенг бўлди.

Дастлабки клиник маълумотларни қайта ишлаш учун беморларни текширишнинг кодловчи варақаси ишлаб чиқилиб, унга текширилувчи патологик жараённинг кечиши, шакли, оғирлиги ва оқибатига таалукли ахборотга эга бўлган клиник ва лаборатор кўрсаткичлар киритилган. Маълумотларни қайта ишлаш бўйича барча ҳисоб-китоблар қўлланилган "STATISTICA 10" дастури ёрдамида олиб борилган. Ушбу моделлар базаси «Болаларда сурункали қайталанувчи герпетик стоматитни текшириш алгоритми» дастурий таъминотини ишлаб чиқишга асос бўлиб хизмат қилди (Hrgsb.exe). Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк Агентлигининг № DGU 05494 29.05.2018 сонли «электрон-ҳисоблаш машиналари учун дастурни расмий рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси» олинди (1-расм).

Олинган натижаларни эътиборга олиб, биз беморларнинг оғиз бўшлиғи ҳолати ва даволаш самарадорлигини нисбатдан қиёсий тавсиф қилдик, у асосида даволаш кунлари, клиник белгиларни йўқолиши бўйича мажмуавий даволаш самарасини белгиловчи схема ишлаб чиқилди ва қуйдагича баҳоланди: «юқори самара» – СҚГС симптомларини 6 кунга бўлган муддатда тўлиқ йўқолиши; «яхши самара» – 6 кунгача бўлган муддатда сақланиб қолган герпетик шикастланишлар билан рецидивлар интенсивлигини камайиши; «кучсиз самара» – клиник симптоматикада ижобий силжишни

йўқлиги; «самарасиз» – касаллик симптомлари бўйича салбий динамика ва янги шикастланиш ўчоқларини пайдо бўлиши.

Алгоритм исследования хронического рецидивирующего герпетического стоматита у детей

Возраст (лет) = 5	КПУ (кол-во) = 4
Нб (г/л) = 98,0	Лейкоциты (10 ⁹ /л) = 7,8
Перенесенные и сопутствующие заболевания = есть	Аппетит = слабый
Повышение температуры = в первые сутки	Слабость =
Утомленность, раздражительность = есть	Явления катарального гингивита = незначительн
Общее состояние = среднее	РМА Критерий = тяжелое
Состояние ткани СОИР = гиперемированный	ИПР-У по ГИ = плохое
Локализация элемента поражения = есть	Тяжесть ГС = 3-4 раза
ПЦР (+,-) = положительный	Принимал ли антибиотик до ГС = нет
Принимал ли противовирусные препараты при ГС = да	Лабораторные исследования до ГС = нет

Тяжесть патологического процесса = 2,1
Эффективность традиционного лечения = 1,9
Эффективность комбинированного лечения = 1,7

ГРАДАЦИЯ	
ТЯЖЕСТИ	ЭФФЕКТИВНОСТИ
0 здоров	нет эффекта
1 легкая степень	слабая
2 средне-тяжелая	хорошая
3 тяжелая	высокая

ОЧИСТИТЬ ВЫХОД

1-расм. «СҚГС болаларни текширув алгоритми» дастури.

3-жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, таққослаш гуруҳи болаларида даволаш самарадорлигини баҳолаш мезонлари ҚУБ нурланиш билан мажмуавий даволашдан сўнг – касалликнинг энгил шаклида 8 нафар беморда «кучсиз самара», 11 нафарида «яхши самара», 6 нафар беморда «юқори самара» бўлди. СҚГС ўртача оғирликдаги шаклида «юқори самара» – 8 нафар беморда, «кучсиз самара» – 14 нафарида, «яхши самара» – 19 ва 1 нафар беморда «самарасиз» бўлди. Касалликнинг оғир шакли 18 нафар беморда кузатилди. Улардан юқори, яхши ва кучсиз самара мос ҳолда 5, 6 ва 5 нафар болада; 2 нафар беморда «самарасиз» бўлди (2-расм).

3-жадвал

СҚГС беморларини комплекс даволаш самарадорлиги мезонлари бўйича даволаш натижалари

СҚГС шакли	Даволаш самараси							
	Самарасиз		Кучсиз самара		Яхши самара		Юқори самара	
	Таққослаш гуруҳи	Асосий гуруҳ	Таққослаш гуруҳи	Асосий гуруҳ	Таққослаш гуруҳи	Асосий гуруҳ	Таққослаш гуруҳи	Асосий гуруҳ
Энгил	0	0	8 (32%)	0	11 (44%)	6 (18,8%)	6 (24%)	26 (81,3%)
Ўртаоғир	1 (2,4%)	0	14 (33,3%)	0	19 (45,2%)	13 (25,5%)	8 (32%)	38 (74,5%)
Оғир	2 (11,1%)	0	5 (27,7%)	1 (4,8%)	6 (33,3%)	8 (39,1%)	5 (20%)	12 (57,1%)
Жами	3 (3,5%)	0	27 (31,8%)	1 (1,0%)	36 (42,4)	27 (26,0%)	19 (22,4%)	76 (73,0%)

Асосий гуруҳдаги СҚГС билан оғирган беморларнинг аксариятида, яъни 76 нафар болада СҚГС нинг энгил, ўрта оғир ва оғир шаклларида 26, 38 ва 12 нафарида мос ҳолда даволаш «юқори самара»га эга бўлди. Касалликнинг энгил шаклидаги 6 нафар болада, ўртаоғир ва оғир шаклларида мос ҳолда 13 ва 8 нафар беморда, жами 27 нафар болаларда даволаш самарадорлиги «яхши

самара» деб баҳоланди. Даволашнинг «кучсиз самара»си сурункали қайталанувчи герпетик стоматитнинг оғир шакли билан оғриган 1 нафар болада кузатилди. «Самарасиз» даволаш натижаси бирорта ҳам беморда аниқланмади (3-жадвал, 3-расм).



даволашгача



даволашдан сўнг

2-расм. ҚУБ нурланиш билан мажмуавий даволаш натижалари.




даволашгача



даволашдан сўнг


3-расм. МИЛ-нурланиш билан мажмуавий даволаш натижалари.

Мажмуавий даволашдан сўнг 6 ой давомида СКГС ҳолатлари (рецидив), ҳамда улар ўртасидаги ремиссия давомийлиги эътиборга олинди ва стандартлаштирилди. Даволашнинг олис натижалари (6 ой амбулатор кузатув) рецидивлар шакли ва сони, ремиссия давомийлиги бўйича баҳоланди.



4-расм. Асосий ва таққослаш гуруҳларида тўлиқ даволангандан сўнгги болаларда учраган рецидивлар сони.

4-расмдан кўриниб турганидек, даволашдан кейинги биринчи уч ойда асосий гуруҳ беморларида рецидивлар кузатилмади, солиштириш гуруҳи болалари орасида эса 9,4% (8) болаларда қайталаниш аниқланди. 6 ой кузатишлар давомида асосий гуруҳда рецидивлар 2 (1,9%) болаларда, солиштириш гуруҳида эса 7 марта кўп, яъни 14 (16,5%) болада аниқланди. Бу далил болаларда сурункали қайталанувчи герпетик стоматитни мажмуавий даволашда «Соғдиана» ускунаси билан МИЛ-нурланишнинг самарадорлигини тасдиқлайди.



5-расм. Даволаш самарадорлиги мезонларини баҳолашдан сўнг гуруҳларни солиштириш.

Физиотерапияни кўшиш билан мажмуавий даволаш самарадорлиги мезонлари» га мувофиқ даволашдан сўнг таққосланувчи гуруҳларда натижалар турлича бўлди. «Самарасиз» мезони бўйича солиштириш гуруҳида 3,5% ҳолатга қарши асосий гуруҳида 0%. «Кучсиз самара» мезони таққослаш гуруҳида 31,8% гача ортдт, асосий гуруҳда - 1,0% қайд қилинди. «Яхши самара» ҳар икки гуруҳда ортиб борди асосий ва таққослаш гуруҳларига мос ҳолда 42,4% ва 26,0% бўлди. Асосий гуруҳда «юқори самара» мезони, таққослаш гуруҳида 22,4% гача пасайишига нисбатдан 73% га ошди. Шундай қилиб, шунини таъкидлаш лозимки, СҚГС МИЛ-нурланиш билан мажмуавий даволаш таққослаш гуруҳига қараганда 3,3 марта самарали (5-расм).

Дастлабки тадқиқотлар натижасида, «Соғдиана» ускунаси орқали МИЛ-нурланишнинг таъсир қилиш вақти ва давомийлиги, нурланишни қайталаниш частотасининг оптимал миқдорлари белгилаб берилди (4-жадвал).

Ҳар икки гуруҳда клиник самара бир хилда эмаслиги, яъни лазер ва вирусга қарши даво кўпроқ клиник самарали эканлиги далилини эътиборга олиб, МИЛ-нурланиш қўллаш билан мажмуавий даволашда ремиссия давомийлигини шаклланишига олиб келувчи омилларни аниқлаш билан барча текширув натижалари динамикада таҳлил қилинди.

СҚГС шакллариға мос ҳолда асосий гуруҳ беморларини МИЛ-нурланиш билан даволаш схемаси

№	СҚГС шакли	Частота Гц	Экспозиция давомийлиги, мин.	Даволаш муддати, кун	Нурлантириш масофаси
1	Енгил	5	5	1-2 кун	Нурлантирувчи шикастланиш соҳасидан лазергача бўлган масофа 5 см
		50	3	3-7 кун	
2	Ўртаоғир	5	5	1-2 кун	
		50	4	3-4 кун	
		1000	2	5-7 кун	
3	Оғир	5	5	1 кун	
		50	4	2 кун	
		1000	2	3-7 кун	

Олинган натижалар асосида схема бўйича МИЛ-нурланишни қўллаш билан мажмуавий даволаш ва ташхислаш алгоритми асослаб берилди.

ХУЛОСАЛАР

«Болаларда сурункали қайталанувчи герпетик стоматитни магнит-инфрақизил-лазер нурланиш орқали мажмуавий даволаш усуллари» диссертацияси бажаришда олинган натижалар асосида қуйидаги хулосалар қилинди:

1. Сурункали қайталанувчи герпетик стоматитнинг ўртаоғир шакли 189 нафар текширилган болалар орасида кўпроқ ташхисланади - 49,2% (93 нафар), енгил шакли 30,2% (57 нафар) болада ва оғир шакли 20,6% (39 нафар) болаларда аниқланди.

2. Болаларда СҚГСни магнит-инфрақизил-лазер (МИЛ) нурланиш билан мажмуавий даволаш микробиологик таркибни меъёрлаштиради, бунда анаэроб микроблар сони $lg 4,80 \pm 0,3$ КОЕ/мл гача ортди, факультатив флора микдори эса $lg 5,0 \pm 0,4$ КОЕ/мл гача камайди. Оғиз бўшлиғининг иммунологик ҳолати яхшиланди, лизоцим титри – $17,8 \pm 0,5$ мг/л кўтарилиб, фагоцитоз – $54,6 \pm 2,0\%$ ташкил этди ва секретор иммуноглобулин А – $1,85 \pm 0,1$ га тенг бўлди.

3. Молекуляр-генетик текширувнинг реал вақтда полимераз-зандирли реакция усулини қўлланилиши герпетик инфекцияни тез ва эрта ташхислашга имкон беради, бу эса касалликни эрта ташхислашга олиб келади, қўзғатувчини бевосита аниқлашга имкон беради. 189 нафар бемор болалардан ОГВ-1 га ижобий реакция 87,8% (166) ҳолатда аниқланли, 12,2% (23 бола) ҳолда эса – ушбу усул натижа бермади.

4. Болаларда СҚГСни магнит-инфрақизил-лазер нурланиш орқали мажмуавий даволаш схемаси даволаш самарасини ошишига олиб келади ва давланиш муддатларини статистик ишонарли тарзда 2 мартага қисқаришига; рецидивлар сонини 7 мартага камайишига; даволаш самарадорлигини 3.3 мартага ошишига олиб келади.

5. «Болаларда сурункали қайталаниувчи герпетик стоматитни текшириш алгоритми» дастурий маҳсулоти беморларда барча текширув натижалари асосида патологик жарённинг даражасини ва даволаш усулларининг самарадорлигини баҳолашга имкон беради, дастурни амалиётга жорий этиш даво самарадорлигини ўртача 50% га оширади. «Бухоро вилояти болалар стоматология поликлиникасига герпетик стоматит билан мурожаатларнинг такрорланишини башорат қилиш» дастури натижалари СҚГС билан беморларнинг максимал мурожаати май ойида (қунига 13,3% бола) ва апрел ойида (қунига 12,5% бола), минимал қабул январда (5,2% бола) ҳамда август ойида (6 бола) бўлишини аниқлайди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.28.12.2017.Tib.59.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
СТОМАТОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

КАМАЛОВА МЕХРИНИСО КИЛИЧЕВНА

**ОСОБЕННОСТИ КОМПЛЕКСНОГО ЛЕЧЕНИЯ
ХРОНИЧЕСКОГО РЕЦИДИВИРУЮЩЕГО ГЕРПЕТИЧЕСКОГО
СТОМАТИТА У ДЕТЕЙ ПОСРЕДСТВОМ МАГНИТНО-
ИНФРАКРАСНО-ЛАЗЕРНОГО ИЗЛУЧЕНИЯ**

14.00.21 – Стоматология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.4.PhD/Tib434.

Диссертация выполнена в Бухарском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех (узбекском, русском, английском (резюме)) языках размещен на веб-странице Научного совета (www.tsdi.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Камилов Хайдар Позилович
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты:

Маслак Елена Ефимовна
доктор медицинских наук, профессор
(Российская Федерация)

Гулямов Суръат Саидвалиевич
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация:

Московский государственный медико-стоматологический университет имени А.И.Евдокимова (Российская Федерация)

Защита диссертации состоится на заседании Научного совета DSc.28.12.2017.Tib.59.01 при Ташкентском государственном стоматологическом институте, которое будет проведено « ____ » _____ 2019 года в _____ часов. Адрес: 100047, г.Ташкент, Яшнабадский район, улица Махтумкули, 103. Тел.: (+99871) 230-20-65; факс: (+99871) 230-47-99; e-mail: tsdi2016@mail.ru.

С диссертацией доктора философии (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного стоматологического института (зарегистрирована за № ____). Адрес: 100047, г. Ташкент, Яшнабадский район, улица Махтумкули, 103. Тел.: (+99871) 230-20-65.

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 2019 года.
(реестр протокола рассылки № ____ от « ____ » _____ 2019 года).

Ж.А. Ризаев

Председатель Научного совета по присуждению научных степеней, доктор медицинских наук

Л.Э. Хасанова

Научный секретарь Научного совета по присуждению научных степеней, доктор медицинских наук, доцент

Х.И. Ирсалиев

Заместитель председателя научного семинара при Научном совете по присуждению научных степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии(PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Анализ отечественных и зарубежных литературных источников показал, что вирус простого герпеса после перенесенного острого герпетического стоматита (ОГС) остается в организме ребенка пожизненно, «...каждый 7-8 ребенок после ОГС страдает хроническим рецидивирующим герпетическим стоматитом. Хронический рецидивирующий герпетический стоматит (ХРГС) в течение года протекает с периодическими рецидивными обострениями...»¹. Герпетический стоматит (ГИ) выявляется у 60% детей в возрасте от 6 месяцев до 5 лет, у подростков достигает 90% и с каждым годом наблюдается рост этих показателей. Среди вирусных заболеваний летальные исходы от герпетических поражений составляют 15,8%, по распространенности после гриппа герпес занимает второе место (35,8%), «...более 20 миллион людей в мире являются носителями вирусов в бессимптомной форме, из них почти половина заражена вирусом простого герпеса (ВПГ). За последние 10 лет число носителей вирусов типа ВПГ-1 и ВПГ-2 возросло на 30%, в европейских странах - на 7-16%, в африканских странах - на 30-40 %...»².

Во всем мире проводятся научные исследования, направленные на разработку эффективных методов диагностики и лечения заболеваний герпесом в связи с широкой его распространенностью среди детей. В том числе основе комплексного изучения патологического процесса, дисбиотических нарушений в полости рта, функций местной иммунной системы, клинического состояния детей, разработка путей ранней диагностики, рационализации процесса лечения ХРГС имеют важное значение. Это, в свою очередь, дает возможность применения аспектов молекулярно-генетических исследований для точной и специфической диагностики ГС, разработки комплексного лечения посредством физиотерапевтической схемы, и усовершенствование мер, направленных на улучшение образа жизни больных детей, на сегодняшний день является приоритетным научным исследованием, направленным на решение этой проблемы.

В нашей стране существует ряд задач по развитию медицинской сферы, адаптации медицинской системы к требованиям мировых стандартов, снижению заболеваний полости рта. В соответствии со Стратегией действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определены важнейшие задачи «...совершенствование системы здравоохранения, направленное на повышение качества и удобства социальных и медицинских услуг для пациентов, формирование здорового образа жизни среди детей, укрепление материально-технической базы учреждений первичной медицинской помощи...»³. При выполнении этих

¹Детская терапевтическая стоматология. Национальное руководство / под ред. В.К. Леонтьева, Л.П. Кисельниковой. - М.: ГЭОТАР-Медиа, 2010. - 896 с. (Серия «Национальные руководства»).

²Результаты отчета ВОЗ за 2015 год.

³ Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017–2021 годах» от 7 февраля 2017 года.

задач важное значение имеет поднять на новый уровень лечение хронического рецидивирующего герпетического стоматита и снизить заболеваемости полости рта путем усовершенствования использования современных технологий для оказания качественной медицинской помощи.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренным в Указах Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, №УП-5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» от 7 декабря 2018 года, в Постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП-3071 «О мерах по дальнейшему совершенствованию оказания специализированной медицинской помощи населению Узбекистана на 2017-2021 годы» от 20 июня 2017 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данном направлении.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями науки и технологий Республики Узбекистан: VI. «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. Вирус простого герпеса (ВПГ) является распространенной инфекцией и стал одной из причин высокой заболеваемости во всем мире. В настоящее время неуклонно увеличивается число больных инфекцией, вызванной вирусом простого герпеса. Многие вопросы патогенеза, течения и терапии герпесвирусной инфекции по-прежнему не решены (Пыркина О.В., Егорова Е.С., Лосев А.В., 2017; Иброхимов А.А., Гулямов С.С., Махкамова Ф.Т., 2016). Согласно данным ВОЗ в мире среди всех вирусных инфекций после гриппа наиболее распространены заболевания, вызванные ВПГ, которые не поддаются контролю (Ешиев А.М., Азимбаев Н.М., 2015). Чаще всего болеют герпетическим стоматитом дети с частыми простудными заболеваниями и с аллергической патологией. Частота рецидивов в год достоверно увеличивается в зависимости от степени тяжести заболевания (Еленская Ю.Р., 2012). Отсутствие своевременной диагностики и адекватных мер лечебной терапией приводит к длительному и тяжелому течению герпетического стоматита. Развитие осложнений может привести к хронической вирусной патологии и интоксикации организма (Мезгильбаева Д.М., Бакбаев Б.Б., Абдикаримов С.Ж., 2014). Применяемые медикаментозные средства и методы лечения прежние, но частота появления ГВИ у детей возрастает. Для предотвращения латенции вируса в настоящее время применяемые высокоэффективные противовирусные препараты практически не обладают профилактическим, противорецидивным действием. Комплексное лечение, включающее системную и местную фармакотерапию, а также физиотерапевтические процедуры дают возможность добиться цели (Кузнецов С.В., Кирсанова Т.А., Ольховская О.Н., 2015). Исследования многих ученых доказывают, что лазерное излучение активизирует процессы заживления путем изменения состава

